

# Agroiqtisodiyot

Илмий-амалий агроиктисодий журнал

## МУНДАРИЖА

3. **А.МИРЗАЕВ.** Бозор шароитида сугориладиган ерлар – да ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари
7. **А.ABDULLOEV.** Mintaqalarda investitsion jozibadorligini baholash usullari
11. **Ф.ЮЛДАШЕВ.** Вопросы активизации инвестиционной деятельности банков путём создания финансово-промышленных групп
14. **Х.ҚАЛИМБЕТОВ, К.ХАЛМУРАТОВ, К.ПОЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида иктинослашув жараёни юз беришидаги муҳим шарт-шароитлар
17. **N.JURAYEVA.** Xorijiy tajribalar asosida, qishloq xo'jaligida yangi xizmat turlarini tashkil etish imkoniyatlari
20. **М.ЭРХОНОВА.** Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усудда ҳимоялаш соҳасини ривожлантиришнинг тн7азарий асослари
23. **М.ЯХЯЕВ.** Яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
27. **З.ИШНИЯЗОВ.** Пахтачилик соҳаси фаолиятининг иктисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари
29. **I.ERGASHEV, S.YULDASHEVA.** Paxtachilikda iqtisodiy samaradorlikni oshirishning omillari
32. **А.АБДУМУМИНОВ.** Озиқ-овқат саноатининг миллий иктисодиётда тутган ўрни
35. **Г.АДИЛОВА.** “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепцияларининг қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти
39. **Д.ДЖАЛАЛОВА.** Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий этишининг давлат томонидан кўллаб-куватлаш механизмларини такомиллаштириш йўллари
42. **З.ЮСУПОВ.** Қишлоқ хўжалигини техник модернизациялаш тизимини давлат томонидан кўллаб-куватлаш йўллари
45. **С.ЖАМОЛДИНОВ.** Давлат солиқ инспекцияларida бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг назарий асослари
49. **M.TURDIYEVA.** Sanoat korxonalarida innovatsiyalarning tutgan o'rni va roli (Buxoro hududi misolida)
51. **З.ҚАЙИМОВА, А.АБДУЛЛАЕВ.** Иктисодиётни модернизациялаш шароитига ҳалқаро стандартлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари
54. **З.РЕЙМБАЕВА.** Институционал механизмларининг моҳияти ва институтлар трансформациясида уларнинг ўрни
57. **З.ШАНИЯЗОВА.** Қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришнинг назарий ва концепция асослари
59. **Z.GAIBNAZAROVA.** Avtomobilsozlik korxonalarida ilmiy-tadqiqot va ta'lim faoliyatini rivojlantirish
63. **М.А.ОРИПОВ, Н.О.РАХМОНКУЛОВА.** Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг мамлакат автотранспорт саноатидаги ўрни
66. **Қ.ПЎЛАТОВ.** Тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини тақомиллаштириш йўллари
70. **Н.ХАЛЛИЕВА.** Ўзбекистонда ахоли банддигининг амалдаги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболи
73. **A.ABDULLOEV, I.LATIPOV.** Oliy ta'lim muassasalarida ta'limning sifati va samaradorligini oshirish yo'llari
76. **А.ЖУЗБАЕВ.** Кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарали молиялаштириш – соҳа тараққиети гарови
81. **А. ОБЛОҚУЛОВ.** Туркияда кооперация шакллари ва муносабатларини ривожлантириш ҳолати ҳамда уни мамлакатимизда жорий этиш имкониятлари
84. **А.НАУРИЗБАЕВ.** Акциядорлик жамиятларнинг инвестицион фаолияти йўналишлари
87. **О.ҒАЙБУЛАЕВ.** Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали инвестицион салоҳиятни оширишнинг концептуал асослари
91. **Х.ТУРОБОВА, Л.ЖИЯНОВ.** Биоиктисодиёт: Бухоро вилоятида экин майдонларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари
94. **Д.МАТКАБУЛОВА.** Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда туризм салоҳиятдан фойдаланишни тақомиллаштириш йўналишлари
99. **Н.ЯКУБОВА.** Бизнес-процесс в страховой деятельности во взаимосвязи с глобальными трендами: специфика и оптимизация
105. **А.АБДИЛАЛИМОВ.** Анализ и учет затрат в зерноперерабатывающих кластерах
109. **М.НАЗАРОВА.** Мева-сабзавот тармоғида инновацион технологияларни кўллашда ривожланган мамлакатлар тажрибаси
112. **Д.РУСТАМОВА, Д.СУЛТОНОВА.** Агробизнесда маркетинг стратегияси ва уни бошқаришнинг асосий йўналишлари
116. **Т.МАМАНАЗАРОВ.** Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги ил xor хорижий тажрибалар: кейс-стади
119. **Н.СОЛИЕВА.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини сугурталаш тизимини давлат томонидан кўллаб-куватлаш йўналишлари
122. **Г.БАЙМУРАТОВА.** Суғурта ташкилотлари молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар
124. **Б.ЖУБАНОВА.** Тадбиркор субъектларнинг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш
128. **O.SHERMATOV, G.OLIMJONOVA.** Oziq-ovqat xayfsizligini ta'minlashda meva sabzavotchilik sohasining o'rni
130. **Ш.АЗИЗОВ, О.МУСТАНОВ, Б.ЖУРАЕВ.** Транспорт-логистик тизимлар фаолиятини муваффиклаштиришнинг назарий-услубий асослари
133. **М.ТАИРОВА, М.НИЯЗОВ.** Современные системы оценки персонала предприятия по методу kpi (key performance indicators)
137. **К.ШОДМОНҚУЛОВ.** Кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда индустрисал паркларнинг ўрни
141. **Д.ЯНГИБОЕВ.** Лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини оширишнинг ташкилий асослар
143. **N.ASHURMETOVA, G.XAMDAMOVA.** Jahon va o'zbekistonda organik qishloq xo'jaligini rivojlantirish tendentsiyalari
147. **Д.ШАМШИТОВА.** Классификация экономических потерь наносимых вредителями сельскохозяйственному производству
150. **Ш.ИГАМОВА.** Перспективы дальнейшего развития промышленности строительных материалов
154. **А.ХАТАМОВ, З.САБУРОВА.** Ахолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнлари – ни тақомиллаштириш

## ИҚТІСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЧИҚАРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Зұмрад ҚАЙИМОВА,

Бухоро давлат университети катта үқитувчиси

Акmal Абдуллаев,

Бухоро давлат университети магистранти

**Аннотация:** Мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро стандартлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш хусусида фикрлар билдирилган.

**Аннотация:** В статье высказываются мнения о повышении конкурентоспособности продовольственных товаров на основе международных стандартов в условиях модернизации экономики.

**Abstract:** The article expresses opinions on increasing the competitiveness of food products based on international standards in the context of economic modernization.

**И**қтисодиётни модернизациялаш шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари сифаты ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро ва минтақавий стандартлар ҳамда НАССР, Европа қонунчиллик талабларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари сифаты ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини (ISO 22000) озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш ва уни сертификатлаштириш тартиби ишлаб чиқиғанлиги билан, ушбу масала долзарблиги янада ошди.

Барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири бу халқаро стандартлар асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ҳамда корхоналар ўртасида рақобат муҳитини яратишдан иборат. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот – ISO (International Standards Organization) 1946 йилда 25 та мамлакатнинг миллий стандартлаш ташкилотлари томонидан ташкил этилди ҳамда қисқача ISO деб юритила бошлади. Амалда бу ташкилот ўз фаолиятини 1947 йилда бошлади.[7] Республикализнинг дастлабки мустақиллик йилларидаги (1992 йил) муҳим воқеалардан бири ушбу нуғузли халқаро ташкилотга Ўзбекистон Республикаси 92- давлат сифатида қабул қилиниши бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ISOнинг teng ҳуқуқли аъзоларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқариш ва таъминлаш бўйича охирги вақтда қилинган ишларни мужассамлаб, ISO ўзининг бир қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади, бу ҳужжатларга ISO 9000, 10011 ва 10012 рақамли стандартларни кўрсатиш мумкин. Жаҳон амалиётида қўлланиб келинаётган ISO 9000 серияли стандартлар асосан корхоналарда “Сифат менежменти тизими”ни яратиш

бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади. Булардан ISO 9001:2008 «Сифат менежменти тизими. Талаблар» бу туркумнинг энг асосий стандартидир.

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш масалалари устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Маҳсулот сифатини ошириш ҳар қандай корхона олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимда корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги дараҷасини кўп жиҳатдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлиги белгилаб беради. Ҳозирги кунда маҳсулот сифатини ошириш масаласи энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Буни ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи ва жамият нуқтаи-назаридан ёндошиб қуидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, фан-техника тараққиёти натижасида маҳсулотлар сифатига қўйилаётган талаб даражаси кескин ошмоқда. Айниқса инсон цивилизацияси ривожланиб бориши, ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланиш даражасининг ошиши натижасида истеъмолчилар диди ва талабида бутунлай янгича ёндоушув вужудга келмоқда.

Масалан, истеъмолчилар озиқ-овқат маҳсулотларининг биринчи навбатда сифат кўрсаткичларига, яъни ишончлилиги, тўйимлилик даражаси, витаминларга бойлиги,

**Калит сўзлар:** маҳсулот сифати, халқаро стандартлар, сифат менежменти, рақобат муҳити

экологик тозалиги, узоқ сақланиши, қадоқла-ниши ва бошқа ҳолатларга эътибор қаратадилар. Юқори сифатли маҳсулотни истеъмол қилиш истеъмолдан қониқиши даражасини ва унинг фойдалилигини ортиши билан характерланади. Қайта ишлаш саноати эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг яроқлилиги, ресурс сарфи даражаси, экологик хавфсизлиги, ташиб ва сақлашга қулайлиги, тайёр маҳсулот чиқиш даражаси, толанинг пишиклиги, мустаҳкамлиги каби бир қатор сифат кўрсаткичларига эътибор қаратадилар.

Иккинчидан, ички ва ташқи бозорларда ву-жуудга келаётган кескин рақобат муҳити шароитида «яшаб қолиш» учун маҳсулот сифати энг зарур шартлардан бирига айланмоқда. қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бирга ташқаридан импорт қилинган маҳсулотлар ҳам сотилади. Масалан, ун, шакар, ёғ, товук гўсти, колбаса, тури мевалар ва мева шарбатлари бозорларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бозорлarda мўл-кўлчилик ҳукм суроётган, талабдан ортиқча маҳсулотлар муаммоси мавжуд ҳолатларда фақатгина сифатли маҳсулотлар сотилиши турган гап.

Учинчидан, кейинги пайтларда корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти фаоллашиб бормоқда ва маҳсулотни ташқи бозорларда экспорт қилиш одатий ҳолга айланмоқда. Ривожланган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишнинг ўзига хос қийинчилик томонлари мавжуд. Бу биринчи навбатда уларнинг маҳсулот сифатига қўйадиган юқори талаблари билан боғлиқ. Жаҳон бозорида ўрин эгаллаш учун борадиган қаттиқ рақобат кураши маҳсулотлар сифатини доимий ошириб боришни талаб этади.

Тўртинчидан маҳсулот сифатини ошириш корхоналарнинг маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфлайдиган ресурслар сарфи самарадорлигини оширишга имкон яратади. Юқори сифатли маҳсулотларни сотиш нархлари баланд бўлиши реализациядан ялпи пул тушуми, соф даромад ва фойда даражасининг ошишига ва оқибат натижада рентабеллик кўрсаткичларининг ўсишига олиб келади. Юқори сифатли маҳсулот омборларда узоқ ётиб қолмаслиги туфайли товар-моддий захиралар айланиши тезлигини ошириб, корхонанинг тўлов қобилияти юксалтиради.

Бешинчидан маҳсулот сифатини ошириш умумдавлат ва жамият миқёсида ҳам манфаатлидир. Ҳусусан, буни мамлакатдаги ялпи талаб ва таклиф ҳажми ошиши, экспорт имкониятлари кенгайиши ва валюта тушуми ортиши, аҳоли эҳтиёжларининг тўлароқ қондирлиши, фан-техника тараққиёти тезлашиши ва бошқа бир қатор омилларда кўриш мумкин. Шу сабабли давлат бошқарув органлари маҳсулот сифатини таъминлашга алоҳида эътибор

қаратадилар.

Шу мақсадларда маҳсулот сифатини стандартлаштириш ва сертифатлаштириш бўйича маҳсус қонунлар ва ҳукумат қарорлари, давлат стандартлари ишлаб чиқилади. Бу стандартлар давлат органлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамиятлар томонидан қаттиқ назорат остига олинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида маҳсулотлар сифатини текширувчи маҳсус лабораториялар, зооветринария ва санитария хизматлари фаолият олиб боради.

Сифатни бошқариш тизими қуйидаги та-мойиллар асосида шакллантирилмоқда:

- маҳсулотнинг истеъмолчига йўналтирилгани;
- сифат кўрсаткичларини сон кўрсаткичларидан устун қўйиш;
- маҳсулотни яратилишидан тортиб токи сотишдан кейинги хизмат кўрсатишгача оралиқда сифат ва кафолатни таъминлаш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқаришни таъминлашни ўйғунлаштириш ва бошқалар.

Маҳсулот сифати кўрсаткичлари – уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ маълум бир сифат кўрсаткичлари параметрларининг миқдорий ўлчамини ифодалайди. Қишлоқ хўжалигида бундай кўрсаткичларга озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича уларнинг фойдалилик даражаси, технологик параметрлари, стандартлаштириш ҳусусиятлари, ишончлилиги, экологик тозалиги, тўйимлилиги каби кўрсаткичлар кирса, пахта ҳом-ашёсида унинг навлари, типи, тола ва чигит чиқиш нисбати, толанинг узунлиги ва пишиклиги каби кўрсаткичларни мисол қилиб келтириш мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашда унинг таркибиға кирувчи витаминлар, микроэлементлар ва тўйимлилиги асосий аҳамият касб этади. Булардан ташқарии маҳсулотнинг истеъмолчилар учун ишончлилиги, яъни лаборатория текширувидан ўтганлиги ва истеъмол учун хавфсизлиги ҳам муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади.

Маълумки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисми қайта ишлаш саноати учун ҳом-ашё сифатида ишлатилади. Бунга пахта, дон, мева ва сабзвотлар, сут, ипак, қорақўл ва бошқа бир қатор маҳсулотларни мисол қилиб келтириш мумкин. Истеъмолчи сифатида чиқадиган қайта ишлаш корхоналари нуқтаи-назаридан ёндошганда «ҳом-ашё сифатида ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сифат кўрсаткичлари биринчи навбатда уларнинг технологик параметрлари билан ўлчанади.[8] Бунда асосий эътибор яратилиши лозим бўлган маҳсулотга қўйиладиган талаблар ҳом-ашёда мавжудлигига қаратади ва унинг технологик жараёнларга мос келиши эътиборга олинади. Бугунги кунда Республикализ қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат

саноатида халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш борасида қуидаги долзарб вазифаларни жадал амалга оириш мақсадга мувофиқ:

- «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида халқаро стандартларни жорий этиш ишларини кенг кўламда ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш тизими

ҳамда озиқ-овқат саноатида Global GAP ва ISO 22 000 НАССР халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоқларида халқаро стандартларни жорий этишни жадаллаштириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

- иқтисодиётнинг реал сектори маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва логистика тизимларини ривожлантириш ва бошқалар.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./Г. Халқ сўзи, 2020 йил, 29 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017 й.
3. Основные макроэкономические тренды Узбекистана. Информационно аналитический обзор. Институт погнозирования и макроэкономических исследований. Министерство экономики и промышленности. – Ташкент: 2019 г.
4. Всеобщий менеджмент качества / Под общ. ред. С. А. Степанова. –СПб.: Изд-во СПбГЭТУ «ЛЭТИ», 2012. – 223 с
5. Мокроносов А. Г. Конкуренция и конкурентоспособность: учебное пособие / А. Г. Мокроносов, И. Н. Маврина. – Екатеринбург: Изд-во Урал ун-та, 2014. – 194 с.
6. Оғвоздин В. Ю. Управление качеством: Основы теории и практики: Учеб. Пособие. – 7-е изд., исправ. и доп. – М.: Дело и Сервис, 2017. –272 с.
7. <http://www.iso.org> – Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг расмий веб-сайти маълумотлари маълумотлари.